



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 14 апрель, № 73 (5493)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича кулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурслар салҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Ангрен» МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Ерғодездадастр» давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ангрен» махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Қуйидагилар «Ангрен»

махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борадида кулай шарт-шароитларни шакллантириш; махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурслар салҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман, республика корхоналари ўртасида мустақам кооперация алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизда юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юқори автомобиль ва контейнерларда ташиш борадида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламада фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Ангрен» махсус индустриал зонасининг фаолият ташкил қилиш, «Ангрен» МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. «Ангрен» махсус индустриал зонаси қатнашчилари: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган бўлиши бўйича олиб қилинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилсин, шу жумладан, эквиваленти: 300 миң АҚШ доллари билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш; ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни «Ангрен» МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ангрен» махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда «Ангрен» МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

биринчи навбатда, собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш; муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига улашиш учун барча зарур рухсатномаларни «бир дарча» тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Ангрен» МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АҚ, Тошкент вилояти ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли улашини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АҚ, «Ўзавтотўй» АҚ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Тошкент вилояти

Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ангрен» МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда «Ангрен» махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда «Ангрен» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 13 апрель

Мамлакатимизда:



Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Тошкент

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор вазифа» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Инсон саломатлиги — доимий эътиборда

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги мутаассадилари, хусусий тиббиёт муассасалари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда соҳада амалга оширилаётган тиббиёт хизматлари ўзининг амалий натижасини бераётгани таъкидланди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий шифо масканлари ҳам фаоллик кўрсатётганлиги эътироф этилди.

Бугунги кунда юртимизда 2150 та хусусий клиника мавжуд. Тиббий хизмат кўрсатишда рақобат муҳити шаклланиши аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик таъкидланди. Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса бу борадаги изчил ислохларни амалга оширишда дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Наманган

Наманган шаҳридаги Бобур шоҳқўчасида 29 та замонавий тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

Шаҳар чирой очмоқда

Бунинг учун маҳаллий тадбиркорлар томонидан 4,5 миллиард сўмдан зиёд сармоя сарфланди. Гуллар шаҳри кифасини янада гўзаллаштириб юборган мазкур мухташам уйлари бунёд этишда замонавий меъморчилик услубларидан самарали фойдаланилганлиги ва худуднинг иқлим шароити ҳисобга олинган, айниқса, эътиборлидир.

Айни пайтда бинокорлар мазкур қўчада 672 та оилага мўлжалланган 16 та кўп қаватли уй қурилишини ҳам ниятисига етказишмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Хивалик Улуғбек Отажонов ўзига мос иш излаб юрганди. Саёт қишлоқ хўжалик касбхона коллежиди бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида у «Жумез ота» фермер хўжалигига ишга қабул қилинди.

Коллежда — меҳнат ярмаркаси

Умуман, мазкур тадбирда 53 корхона ва ташкилот томонидан 118 та иш ўрни таклиф этилди. Натижада 60 киши билан меҳнат шартномаси имзоланди, 134 кишига эса ишга жойлаштириш бўйича зарур

маслаҳатлар берилди. Таъкидлаш лозимки, жорий йилда худудий Бандлик дастурига асосан, туманда 6544 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон

— Хунарманд доимо ўз ишига ижодий ёндашиши лозим, — дейди «Йил аёли» кўриқтанловининг Андижон шаҳри босқичида «Янгилик яратувчи аёл» йўналиши бўйича голибликка эришган Гулбаҳор Аҳмедова.

Товланувчи пойандозлар

— Олти йилдан буён 18 нафар шоғирдим билан бирга миллий либослар, уй-рўзғор буюмларининг замонавий кўринишларини тайёрлаш устида изланишлар олиб бораёلمиз.

Яқинда ташаббускор хунарманд ўз мақсадига эришди. Шоғирдлари билан бирга келин-куёвлар учун мўлжалланган замонавий пойандозлар мажмуасини яратди. Узунлиги 4-5 метрни ташкил этадиган оппоқ рангдаги ушбу маҳсулот ерга ёйилгач, унинг икки томонида нуллар ва атиргуллар чўгдай товланиб кетади. Ям-шил ипақдан зеб берилган «майсалар» кўзни яшатиб юборади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонасида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамкорлигида, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қўмағида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Сайёҳлик салоҳиятимиз намоиши

Унда Ўзбекистон ва Россия сайёҳлик маъмуриятлари, тармоқ уюшмалари, икки мамлакат сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мазкур соҳани ривожлантириш, республиканинг маданий-тарихий меросини тиклаш, бетакрор меъморчилик обидаларини таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, юртимиз сайёҳлик бизнеси вакиллари билан тақдимот қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. «Dolores Travel» сайёҳлик компанияси бош директори Фарход Расулев ва «Asia Adventures» сайёҳлик фирмаси директори Владимир Долгий ўз компанияларининг фаолият йўналишлари билан таништирар экан,

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорликнинг янги имкониятлари



Хусусан, Самарқанд туманининг Гулобод қишлоғида фаолият юритаётган «Sam Ros Xolod» қўшма корхонаси шу турдаги маҳсулотлари билан қисқа муддатда харидорлар эътиборига тушди. Ҳозир бу ерда сендвич панел, профнастил, пенополистирол каби 7 турдаги деворбоп материаллар, томепкич маҳсулотлари ҳамда пластмасса яшиқлар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, ISO 9001:2008 халқаро сифат сертификатига эга ушбу маҳсулотлар орқали турли корхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш цехлари биноларини қисқа муддатда қуриш, 1000 тоннагача сизимга эга музлаткич камераларини тайёрлаш мумкин. Шу боис уларга юртимизнинг турли худудларидан буюртмалар келиб тушмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида тикланаётган иморатлар кўркам ва мухташам, шу билан бирга, мустақам бўлиши талаб этилади. Бу эса нафақат меъмор бинокорлар маҳоратига, балки қурилиш маҳсулотларининг сифатига ҳам боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимиз ишбилармонлари савй-ҳаракати билан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Айниқса, бу соҳага хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани юқори самара бермоқда.

Ислоҳот



Аҳоли даромадлари кўпаймоқда

Президентимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳада суръат ва самарадорликни ошириш мақсадида кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ҳамда преференциялар туфайли ушбу йўналиш янги босқичга кўтарилиб, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани натижасида ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Бугунги кунда
мамлакатимизда аҳоли жами
даромадларининг

47 фоизи тадбиркорлик
фаолиятдан
олинмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Хар бир давлатнинг нечоғли тараққиёт эгганини кўрсатувчи мезонлардан бири, шубҳасиз, оила фаровонлигидир. Зотан, оила даромади барқарор бўлса, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суғурса, юрт обод бўлади, мамлакат тараққий этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани кўллаб-қувватлаш, уни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, маҳаллани тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланатириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар мана шу мақсадларга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Оилавий бизнес

халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга

да оилавий бизнесни кенгайтириш ва кўллаб-қувватлаш бўйича қатор йўналишларда иш олиб бормоқда. Хусусан, оилавий тadbиркорликнинг асосий йўналишларида бўлган томорқа ҳўжалигини кўллаб-қувватлаш маҳаллаларнинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бугун республикамиз бўйича 4 миллиондан ортиқ хонадонга тегишли томорқада савзавот, мева, полиз экинлари етиштирилиб, бозорларимиз тўқинлиги таъминлаб келинаётган. Айни чоғда маҳаллаларда оилавий бизнеснинг чорвачилик йўналиши ҳам ривожлантирилмоқда. Ушбу савий-ҳаракатлар туфайли ҳозирги пайтда хонадонларда 7

миллиондан ортиқ қорамол парваришланмоқда. Бу оилаларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, бозорларни гўшт, сут маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳам хизмат қилаётган. Кўллаб-қувватлаш маҳаллаларида эса асаларчилик, балчилик ва паррандачилик фаолияти ташкил этилган. Масалан, Чиноз туманидаги “Янги Чиноз” шаҳарча фуқаролар йиғинида оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича ибратли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Йиғин раиси Ханифахон Собиркулова бу ердаги хонадонларни яхши биледи, одамларнинг мақсад, интилишларидан хабардор.

гулланаётган хонадонлар сони тобора кўпаймоқда. Оилавий тadbиркорликни ривожлантиришда худуднинг табиий ресурслари, одамларнинг салоҳияти ва мавжуд имкониятдан умумий фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, шаҳарча Чирчиқ дарёсига яқин ва бу худудда сунъий кўллар кўп бўлиб, балчиликни ривожлантириш учун яхши шaroит мавжуд. Маҳалладаги Шоназаровлар хонадонни сунъий кўлда балчиликни йўлга қўйиш истиқомиди билдиришганда, фуқаролар йиғини фаоллари ушбу тақлифни кўллаб-қувватлади ҳамда туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашиб, зарур ҳужжатлар тайёрланди. Айни

пайтда ушбу оила аъзолари фойдали иш билан машғул, даромади йилдан-йилга ортаётган. Маҳалладаги Шероёвлар оиласи ҳам балчилик билан шуғулланмоқда. Улар шартнома асосида тегишли ташкилотларга балик маҳсулотларини етказиб беришапти. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда юртимиз бўйича оилавий бизнесни йўлга қўйиб, бунинг орқасидан ҳам рўзгорини тебраттаётган, ҳам жамиятимизга наф келтираётганлар кўпчиликини ташкил этади. Яна кўплаб юрдошларимиз деҳқончилик, чорвачилик, балчилик ва асаларчилик, хунармандчилик, савдо, хизмат кўрсатиш асосида ўз оилавий бизнесини йўлга қўймоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу савий-ҳаракатлар замирида жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилатган ишларни янги босқичга кўтариш ҳамда ушбу ҳақиқатда маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш каби улугвор мақсадлар мужассамдир.

Гавҳар АЛИМОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари.

Сайёҳлик салоҳиятимиз намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда яратилган замонавий туризм инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, энг жозибador сайёҳлик йўналишлари ва дастурлари ҳақидаги маълумотларга агрофлича тўхтадилар. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг тобора ривожланиб бораётган турлари, дам олиш масканлари, сайёҳлик мажмуалари ҳамда Ўрта Осиёда илк бор қатнаётган, Ўзбекистон пойтахтини унинг қадимий шаҳарлари билан боғловчи юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар тўғрисидаги ахборотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Хар бир чиқишнинг мультимедиа тақдими билан тўлдирилган ҳамда мамлакатимиз сайёҳлик марказлари ҳақида тўла тасаввур уйғотадиган суратлар мажмуи намойиш қилинган, шунингдек, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ўзбектуризм”, “Dolores Travel”, “Asia Adventures”, “Intercontinental Tashkent”, “OrexCA” каби компанияларнинг маълумотлари акс этган стендлар ташкил этилган тadbир мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Бу ҳақда ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, Россия Сайёҳлик санoати уюшмаси вице-президенти, Россия Федерацияси Савдо-санoат палатасининг сайёҳлик кўмитаси раиси Юрий Барзихин қўйидаги фикрларни билдирди: — Бугунги Ўзбекистон, шубҳасиз, дунё аҳамиятига эга бўлган тарихий, маданий ва албатта, сайёҳлик маркази ҳисобланади. Сўнгги йилларда республикада туризм инфратузилмаси тубдан янгиланди, соҳа-

нинг янги йўналишлари пайдо бўлди, замонавий меҳмонхоналар барпо этилди, тарихий обидлар таъмирланиб, ободонлаштирилди ҳамда янги магистраль йўллар ишга туширилди. Қадимий мезморчиликнинг 4 мингдан зиёд машҳур обидлари — сарой ва қалъалар, мақбаро масжидлар, мадраса ҳамда миноралар замонавий меъморий иншоотлар билан биргалликда бугун дунёнинг барча нуқталарида сайёҳларни ўзига жалб қилиб келаятгани ҳеч кимга сир эмас. Ю. Барзихиннинг фикрича, айни тақдирда Россия бизнеси ва сайёҳлик маҳсулотлари истеъмолчиларининг Ўзбекистонга нисбатан қизиқишини, бетакрор, мўъжизавий диёрни ўзи учун кашф этишга бўлган табиий ва холис интилишларини намoён этди.

“Дельсаль групп” сайёҳлик холдинг гуруҳи асосчиси ва бош директори Сергей Дельсаль Ўзбекистонни россиялик сайёҳлар бориши ҳамда Россиянинг кўплаб сайёҳлик фирма ва компаниялари фаолият кўрсатиши лoзим бўлган мамлакат, деб ҳисоблашини айтди. “Асосан, индивидуал сайёҳлик йўналиши билан шуғулланувчи ҳамда энг қизиқарли йўналишларда иштиёқманд саёҳатчилар билан ишлайдиган компания раҳбари сифатида россияликларнинг мамлакатингизга қизиқиши ниҳоятда чексизлигини ҳис қиламан”, деди у.

С. Дельсаль мазкур тақдимот ўзидан катта таассурот қолдирганини таъкидлар экан, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳиятига эгалигини, юртимиз туризм инфратузилмасининг бундай жадал тараққиёти билан тез орада халқаро аҳамиятга молик сайёҳлик марказларидан бирига айланиши мумкинлигини қайд этди.

Бундан ташқари, Сергей Дельсаль ўзларини ишончи шериклар сифатида намoён этиб келаятган Ўзбекистон туризм компаниялари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизга таширф буюраётган сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилишини ҳам таъкидлади.

«Жаҳон» АА. Москва

Хизмат
Ўтган йили Бўка туманидаги Жағалбойли маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 10 та тураржой ўз эгаларига топширилган эди.

Инфратузилма янада такомиллашди

Айни пайтда янги мавзе инфратузилмасини мустаҳкамлаш мақсадида истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, бу ерда “Асл Аборот сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан савдо ва маъиший хизмат шохбoчаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳашар йўли билан ташкил этилган “Камолот” боғи эса худуд кўригига кўрқ қўшди. Шунингдек, бюджет ва ҳoмийлар маблағлари ҳисобидан 45 миллион сўм сарфланиб, янги хонадонларга обихoат тармоқлари тортилди. Шуниси эътиборлики, ўтган йили вилоятда фойдаланишга топширилган худди шундай уй-жойларни ичмилки суви билан таъминлаш ва йўл тармоқларини қуриш учун қарийб 4,5 миллиард сўм йўналтирилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

хона томонидан 35 турдан ортиқ маҳсулотлар намойиш этилиб, 4 миллиард 60 миллион сўмлик шартнома тузилган бўлса, бу йилги савдоларда 160 дан зиёд санoат корхоналари билан тadbиркорлик субъектлари ўртасида 5,7 миллиард сўмликдан кўп маҳсулот сотиб олиш бўйича шартнома ва келишув битимлари имзоланди.

Ярмаркада, шунингдек, иштирокчилар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки харид қилинаётган хом ашёлар бўйича вилоятнинг талаб ва тақлиф динамикаси тўғрисида батафсил маълумот олдилар.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

Тўрткўл туманидаги “То’рткўл Asaka tekstil” масъулияти чекланган жамиятида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилгандан сўнг бу ерда экспортбоп тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона қуввати ошди

Хусусан, корхонада лойиҳа қиймати 300 миллион сўмлик бўйша-пардозлаш цехи ишга туширилди. Пировардида замонавий дастгоҳлар билан таъминланган жамиятда йилгига 1580 тонна матога ишлов бериш имконияти юзага келди ва 60 киши иш билан таъминланди. Айтиш жоизки, қўшимча имкониятларини жалб этиш натижасида жорий йилнинг илк чорагида “То’рткўл Asaka tekstil”да 1 миллиард 84 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 472 минг АҚШ долларлик экспорт амалиёти бажарилди.

А. ҲАММОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг эшитиш бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти равнақининг муҳим кафолати

Тadbирда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Хоразм ҳамда Самарқанд вилоятларида ижроси юзасидан қабул қилинган кўмита қарорларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Унда кўйи палата депутатлари, тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар, ННТ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда “учинчи сектор” дея эътироф этилаётган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ва жамият ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борада белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаёtgа жорий этиш ушбу институтлар ривожини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Эшитишда кўмитанинг муқаддам қабул қилинган қарорлари асосида аниқ муддатли чора-тадбирлар белгиланиб, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳокимликлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан соҳада олиб бoрилатган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган. Шу муносабат билан уларнинг ижросини доимий

мониторинг қилиб бoришни таъминлаш борасида амалга оширилган фаолият хусусидаги ахборотлар тингланди. Маълум бўлишича, парламент назорат-таҳлил тadbирларидан сўнг худудларда мазкур йўналишларда муайян ишлар олиб бoрилган. Жумладан, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тadbирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳар икки вилоятнинг барча туманларида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учун ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Айни чоғда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида вилоят ҳамда туман газеталарида янги рунклар, телевидение ва радиоканалларда эса оңиқ мuloкотга асосланган туркум кўрсатувлар ташкил этилган.

Шунингдек, Парламент палаталари Кенгашининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарорининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Тadbирда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини таҳлил этиш, салоҳиятини аниқлашга доир таҳлилий тadbиркорликни мунтазам олиб бoриш лoзимлиги ҳам қайд этилди.

Йиғилишда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди. С. МАХСУМОВ.

Инсон саломатлиги — дoимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда ҳукуматимиз томонидан хусусий шифо масканлари учун кўплаб имтиёзлар яратилган. Чунончи, тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва сарфланадиган материалларни четдан келтиришга қўлланмаётган солиқ ва божнона имтиёзларининг 2018 йилга қадар узайтирилгани хусусий тиббиёт тармоғининг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда яхши самара бoримоқда. Анжуманда мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

М. ХОЛМАТОВА.

Бунёдкорликнинг янги имкониятлари



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— 100 нафарга яқин қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаганимиз, — дейди корхона раҳбари Асқар Шарапов. — Уларга самарали меҳнат қилиши ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайлик яратилган. Цехларимизга ўрнатилган технологияларимиз замонавий. Бу эса иш самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти. Ўтган йили жамоамиз томонидан 3 миллиард 850 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб

берилди. Жорий йилда кўзлаган марраларимиз эса бундан ҳам юксак. Яна бир эътиборли жиҳат. Бугун корхонада 5 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлаткич мавжуд. Бу эса туман деҳқон ва фермерлари учун қўшимча қўлайлик туғдириши баробарида, аҳоли дастурхони кишини-ёзини сархил неъматларга бой бўлишини таъминламоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Ахборот технологиялари ва тараққиёт

Давлатимиз раҳбари 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида эришилган ютуқларга ҳам юқори баҳо бeриб ўтди.

Ислохот

Дарҳақиқат, бугун ушбу соҳанинг замонавий имкониятларидан қўндалик ҳаётимизда кенг фойдаланилмоқда.

Наманган вилоятида ҳам бу йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаёtgа татбиқ этилмоқда. Жумладан, худудда дастлаб 1995 йили “Alkatel AG” компаниясининг рақамли коммуникация технологиялари фойдаланишга топширилган эди. Орадан кўп ўтмай, рақамли телефон станциялари ҳам ўрнатилга бошланди. 1998 — 2006 йилларда эса шаҳар ва туман марказларида умумий

сигими 112 минг рақамга тенг бўлган ана шундай станциялар ишга туширилди. Ўз навбатида, вилоят марказида 70 километрдан зиёд узунликдаги оптик товлари алоқа тармоғи тортилди. 64 та қишлоқда “Коинот — Эл-СГМ” мини-АТСлари ўрнатилди. Натижада бундай ихчам станциялар ёрдамида 15,3 мингдан ортиқ миջо замонавий алоқа хизматида кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Алоқа ва телекоммуникациянинг бошқа тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш

борасидаги ишлар кўлами ҳам кенгайиб бoраётган. Жумладан, Чўст туманининг Сабзозор қишлоғида теледастурларни узатиш қурилмаси ишга туширилди. Бунинг натижасида Чўст, Поп, Мингбулок, Наманган туманларида яшовчи 450 мингдан зиёд аҳолига телеканаллар дастурларини етказиш сифати тубдан яхшиланди. Ўтган йилдан бошлаб водийда ишга туширилган юқори сифатли рақамли телевидение сигналлари вилоятимизнинг 55-60 фоиз худудини қамраб олганилигини ҳам айтиш жоиз.

Ахборот алмашинувининг энг тезкор ва қўлай воситаси — интернет хизмати ҳам вилоят ижтимоий ҳаётидан мустаҳкам ўрин оляпти. Бугунги кунда худудимизда глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони 230 минг кишидан ортди. Улар сафини янада кенгайтириш мақсадида, шаҳар ва туман телекоммуникация боғла-

маларида ушбу тизимга уланиш учун бeпул модемлар бeриш акцияси ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори вилоятимиздаги зиё масканлари фаолиятини янги бoсқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Эътиборли жиҳати, ахборот-кутубхона электрон тизим асосида иш юритиши билан кутубхоналардан тубдан фарқланади. Китобхоналар бу ердан ўзлари учун зарур бўлган адабиётлар, маълумот ва ахборот-

ларни тармоққа уланган компьютерлар орқали бир зумда топадилар. Чунки вилоятдаги барча ахборот-кутубхона ва ресурс марказлари негизда минглардан ортиқ адабиётларнинг электрон нусхалари каталога жамланган. Вилоят ахборот-кутубхона маркази биноси яқинда таъмирдан чиқарилиб, бу ерда китобхоналар учун қўшимча қўлайликлар яратилди, мавжуд китобларнинг электрон каталогини тузиш мақсадида 154572 нусхадаги адабиётлар маҳсус дастурга киритилди.

Шамсиддин ТОШТЕМИРОВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти худудий бошқармаси бошлиғи.

Бандлик

Олтинсой саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Гўзал Самадова ва унинг тўрт нафар дугонасига "Микрокредитбанк" туман бўлими томонидан олти миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратишга қарор қилинди.

Таълим ва амалиёт уйғунлиги

Бу имтиёз уларнинг келажакда хусусий бизнес эгасига айланишига, энг муҳими, бир ишининг бошини тўтиб кетишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу йил коллежни 425 нафар ўқувчи тамомлайди. Битирувчиларнинг 184 нафари — қизлар. Ҳозир улар тумандаги тикувчилик цехлари, ишлаб чиқариш субъектлари қошида ташкил этилган корхоналарда амалиёт

— Утган йили вилоятдаги касб-хунар коллежларини 31750 нафар йигит-қиз

битириб, улардан 30609 нафари ишга жойлашди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўлими бошлиғи Нурмухаммад Курбонов.

— Айни пайтда эса битирувчиларимизни ишлаб чиқариш амалиётига жалб қилиш юзасидан корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда.

Корхона, коллеж, битирувчи. Уч томонлама имзоланган шартномаларда уларнинг манфаатлари ўз ифодасини топтомоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

тумандаги биргина "Денов" ҳиссадорлик жамиятида ҳар йили 150 нафарга яқин ўқувчи амалиёт ўтади. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳатто корхонада амалиёт ўтаётганлар учун махсус марказ ҳам ташкил этилган.

Ҳозир вилоятнинг Жаркўрғон, Шўрчи, Қумқўрғон, Бойсун туманларидаги касб-хунар коллежларида ҳам ана шундай илғор услублар асосида малакали мутахассислар тайёрланиб, уларнинг бандлигини таъминланаяпти.

Ушбу аукцион савдоларида сотилмаган кўчмас мулкларнинг такрорий очик аукцион савдолари 2012 йил 31 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Реклама ва эълонлар

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 16 май кунини соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулкларни кўймоқда:

- 1. Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 26 октябрдаги 2-106-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 599 944 000 сўм бўлган, М. Х. Лутфуллаевага тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 335-1-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 260,5 кв.м., яшаш майдони 31,92 кв.м. бўлган икки қаватли, таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланмаган уй-жой.

3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 48 553 879 сўм бўлган, Шела Рам Ҳари Рамага тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 8-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 61,56 кв.м., яшаш майдони 44,02 кв.м. бўлган, 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали тураржой.

Ушбу аукцион савдоларида сотилмаган кўчмас мулкларнинг такрорий очик аукцион савдолари 2012 йил 31 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия RR-0017.

Qishloq Qurilish Bank

- Уй-жой: тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида қурилади; замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилади; тайёр ҳолда қалити билан топширилади.

- Кредит: энг кам иш ҳақининг 1 000 бараваригача бўлган миқдорда ажратилади; қишлоқ жойларида яшайдиган; 18 ёшга тўлган; даромади кредитни қайтариш учун етарли бўлган; уй-жой қийматининг 25% фоизидан кам бўлмаган миқдорда дастлабки сармоёга эга бўлган; кредит ташкилотларидан тўлов муддати ўтган қарздорлиги бўлмаган; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

- Имтиёзлар: кредит муддати — 15 йил; кредит фоизи — йиллик 7%; кредитнинг асосий қисмини қайтариш кредит ажратилгандан сўнг 1 йилдан кейин бошланади; ер участкаси кимовши савдолари ўтказилмасдан,



Қишлоқда имтиёзли кредит асосида замонавий уй!

умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади; кредит олувчи ва биргаликда қарз олувчининг кредит ва кредит бўйича ҳисобланган фоизлар учун йўналтирилган тўловлари даромад солиғига тортилмайди.

- Бошқа шартлар: уй-жой қийматидан бошланғич бадал ва ажратилган кредит чегириб ташлангандан кейин қоладиган миқдор, яъни яқиний тўлов, қурилиш ишлари бошлангач, ипотека кредити ажратилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмасдан тўлашиш лозим; уй-жойни «қалити билан» топшириш бўйича шартнома «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилади.

Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойлар юзасидан қуйидагиларга мурожаат қилиш мумкин: туман ҳокимликларига; қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинларига; «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига; «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиалларига.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматиди!

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39. E-mail: headoffice@qqb.uz www.qqb.uz

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар кўйилмоқда: 1. Ғузор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Ғузор тумани, С. Раҳимов маҳалласи, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий майдони — 20200,0 кв.м., қурилиш майдони — 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» 1 авдо мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 1410 572 000 сўм. 2. Қарши шаҳар СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманларо судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 1-8858/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши — Бешкент йўли 3 км.да жойлашган, «Туркистон файзли оромгоҳи» МЧЖга тегишли, 2 қаватли, умумий фойдаланиш майдони —

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Мўҳтарам кўрдошлар! Сиз учун имконият!

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биналарини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳамда савдоларни қўнуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

XALQ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Универсал» ютуқли омонати бўйича 2012 йил 10 апрелда Самарқанд вилояти Нарпай туманида ўтказилган 4-ютуқлар тиражида ютуқ чиққан ҳисобварақлар

Р Ў Й Х А Т И

Table with 5 columns: T/р, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисобварақ рақами. It lists various bank branches and their corresponding account numbers.

Ҳайъат раиси — Ф. ОМОНОВ Нарпай тумани ҳоқими ўринбосари
Масъул котиб — И. УРАЗОВ Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 27 сентябрдаги 12-1012/7208-сонли ижро варақаси, 2011 йил 25 ноябрдаги 12-1103/13527(4)-сонли ижро варақаси, 2011 йил 31 январдаги 12-1101/276(11)-сонли ижро варақаси ва 2011 йил 29 декабрдаги 12-1012/7208(11)-сонли ижро варақасига асосан, олинган қарзни ундириш эвазига хатланган, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Бўстон маҳалласида жойлашган «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли, қурилиш майдони — 561,88 кв.м., фойдалани майдони — 1423,98 кв.м.дан иборат 0001-литердаги 55 хонали идора биноси ва 0002-литердаги бино қисми (қаноти) кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 609 890 655 сўм. Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Расмий сайтими: www.1kms.uz Телефон: (8-367) 226-38-91.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ хабар қилади!

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 3 мартдаги 45-сониде эълон қилинган, Суд департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси 2012 йил 1 мартдаги 1245/2-сонли буюртмага асосан, 2012 йил 20 апрель кундаги аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулклар қайтарилганлиги сабабли, ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси бекор қилинади.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 май кунини соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес-маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 11 май кунини соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси

Собиржон ОХУНЖОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихсдор этади.

Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий маркази жомоаси травмотология бўлими катта илмий ходими Акбар Тилияқовга волидаи мўҳтарамаси ўқтам БАДАЛХОДЖАЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

